

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2023 йил июль ойининг 10 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ўз биносидаги очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Ш.Ахмедов,

ҳайъат судьялари: Н.Раимқулов ва Б.Мамажоновдан иборат таркибда, М.Иномхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Ж.Хомидов ва бўлим прокурори А.Мамаджанов, судланганлар ММ, МА, ЖМ ва ОЮ ҳамда уларнинг ҳимоячиси П.Умирзаковнинг иштирокида, судланганлар ММ, МА, ЖМ ва ОЮга оид жиноят ишини Олтиариқ туман прокурорининг апелляция тартибида билдирган протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2023 йил 25 мартдаги ҳукмига кўра:

ММ, [REDACTED]

[REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, Олтиариқ тумани “ [REDACTED] ” МФЙда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, [REDACTED]

[REDACTED]-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой, 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 59-моддасининг 3-қисми тартибида узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига;

ОЮ, [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2022 йил 21 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 1-қисми билан 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз



ўн баравари миқдорида 83.700.000 сўм жарима жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2022 йил 31 августдаги ажрими билан 44-моддасига асосан тўланмаган 63.700.000 сўм жарим жазоси 1 йил 1 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, [REDACTED]

[REDACTED]-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 59-моддасининг 3-қисми ва 60-моддалари тартибида узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига;

МА, [REDACTED]

[REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, судланмаган, “ [REDACTED] ” фермер хўжалиги раҳбари, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 26 январда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 59-моддасининг 3-қисми тартибида узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига;

ЖМ, [REDACTED]

[REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, [REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 26 январда олганларга,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 59-моддасининг 3-қисми тартибида узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланишган.

Суднинг ҳукмига кўра, ММ Олтиариқ тумани, “Кўрғонча” МФЙ бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, 2022 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сонли Қарорига асосан ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг имтиёзли кредит олиш учун тавсия қилиш ваколати берилганидан фойдаланиб, МА, ЖМ ва “Chinor dala do‘koni” хусусий корхонаси норасмий раҳбари ОЮлар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи ХН, РР, ИО, АҚ, АН, ХҚ, МУ, ДМ, АИ, НАИ ва АРларнинг фуқаролик паспорти ва электрон рақамли имзосини қўлга киритиб, уларнинг номидан

АТ “Халқ банки” Олтиариқ филиали бошқарувчиси номига ёзилган ариза ва кредит шартномаларига электрон рақамли имзосини қўйиб, расмий ҳужжатларни фойдаланиш мақсадида қалбакилаштириб, улардан фойдаланиб, юқорида номлари қайд этилган фуқароларнинг номига “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида узум кўчатлари сотиб олиш учун имтиёзли кредит маблағи ажратилишига эришиб, ажратилган кредит маблағларини сохта олди-сотди шартномалари ва ҳисоб варақ-фактураларга асосан “Chinor dala do‘koni” хусусий корхонасининг ҳисоб-рақамига ўтказиб, АТ “Халқ банки” Олтиариқ филиали томонидан ХНнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, РРнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, ИОнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, АҚнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, АНнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, ХҚнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, МУнинг

номига ажратилган 32.990.910 сўм, ДМнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, АИнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм, НАИнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм ва АРнинг номига ажратилган 32.990.910 сўм кредит маблағларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилишган.

Протестда, суд, судланган ММ, МА, ЖМ ва ОЮлар жиноий ҳаракатларини такроран жиноят содир этган деб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан нотўғри малакалангани уларни ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир этилган қилмишларини жазони оғрилаштирувчи ҳолат сифатида топмагани ОЮга нисбатан енгил жазо тайинлангани, судланган ММни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилмагани сабабли ҳукми ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Судланганлар ММ, МА, ЖМ ва ОЮ ўзларининг эътирозномаларида, ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни, жабрланувчилар РР, [REDACTED]

[REDACTED] протестга эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Мамажоновнинг маърузасини, прокурор Ж.Хомидовнинг протестни қувватлаши, судланганлар



ММ, МА, ЖМ ва ОЮ ҳамда ҳимоячи П.Умирзаковнинг протестни рад қилиб, ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция протестини қисман қаноатлантириб, ҳукмнинг ММга оид қисмини бекор қилиб, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида жиноятлар такроранлиги деганда, қонунга кўра шахс томонидан турли вақтларда қасдан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят ЖКнинг Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса жиноятлар такроранлиги дейилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Протесдаги судланган ММ, МА, ЖМ ва ОЮлар жиной ҳаракатларини такроран жиноят содир этган деб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан нотўғри малакалангани ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Судланган МА судда, Олтиариқ туманидаги “Ғуломжон файзли узум боғи” фермер хўжалиги раҳбари экани, акаси ЖМ билан биргаликда 2022 йилнинг ёз ойларида ўртоқлари ИО, қариндошлари А. ██████████, ХҚ, МУ, ДМ, А. ██████████, маҳалладоши РР, Х. ██████████, АИ, НАИ ва АНларни иш билан таъминлаб, банкдан имтиёзли кредит маблағи олиб, у ерда узум боғи ва ерда чувалчанг боқиб биогомус минерал ўғитларини тайёрламоқчи бўлиб, бу масалада “Кўрғонча” МФЙ бўйича туман ҳокими ёрдамчиси ММ билан гаплашишгани, жабрланувчилар яъни жаами 11 нафар фуқароларни алоҳида-алоҳида ДХМ ва банкка олиб бориб, кредит маблағларини олиш учун ҳужжатларни тўғирлашгани, бир жабрланувчини алдаб бўлгач, кейин бошқа жабрланувчини қасдан алдаш мақсади уйғонгани, жабрланувчиларни умумий қасд асосида алдамашгани ҳақида;

судланган ЖМ судда, укаси МА билан биргаликда 2022 йилнинг июнь ойида холасини ўғиллари Хайитали, Асадбек, Алишер ака, ўртоқлари Хожиакбар, Азизбек, Равшан, Азизбекнинг дадаси Аваз ака, қариндошлари Худойберди ва унинг турмуш ўртоғи Дурдоналар деҳқончилик қилиш учун ер беришни, номларига кредит олишни илтимос қилишганида, уларнинг таклифга рози бўлиб, укаси МАнинг номидаги фермер хўжалигининг ер майдонидан уларнинг ҳар бири учун 10 сотихдан ер ажратиб бериб, уларни номига кредит олишни айтгани, сўнгра уларни алоҳида-алоҳида тарзда, бошқа кунларда кредит олиш мақсадида Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига олиб боришгани, бундан ташқари банкка ҳам олиб боришгани, банкда жабрланувчиларнинг ҳар бирига кредит олишлари учун алоҳида шартномалар тузилгани, жабрланувчилар яъни



жами 11 нафар фуқароларни алоҳида-алоҳида ДХМ ва банкка олиб бориб, кредит маблағларини олиш учун ҳужжатларни тўғирлашгани, бир жабрланувчини алдаб бўлгач, кейин бошқа жабрланувчини қасддан алдаш мақсади уйғонгани, жабрланувчиларни умумий қасд асосида алдамашгани ҳақида;

жабрланувчи АИ судда, 2022 йил июнь ойида синфдоши ЖМ кўнғирок қилиб, боғига ишга қабул қилинса меҳнат стажи кетиши, бола пули олишга ҳам ёрдам бўлишини айтгани учун ўзи ва отаси НАИ боғига сувчи бўлиб ишга киришгани, шундан сўнг у ва укаси МАлар билан бирга ўзи ва отасини Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига олиб бориб, телефон рақамини марказда ишловчи бир қизга бериб, телефонга келган кодларни киритиб, ўзи ва отаси бир қурилмага бармоқларини қўйишгани, шунда улар паспортларини олиб қолиб, ишга тўғрилаш учун деб, адирликдаги узум боғларга олиб боришиб, узум боғда расмга олишиб, сўнг яшаш хонадонига ташлаб қўйишгани, лекин ўша пайтда кредит олинаётганидан хабарлари бўлмагани ҳақида;

жабрланувчи НАИнинг судда, жабрланувчи АИнинг кўрсатувини тасдиқлаб, шу мазмунда берган кўрсатуви;

жабрланувчи Х. ██████████ судда, МА ва ЖМ амакисининг ўғли экани, ММ эса синфдоши бўлиши, 2022 йил июнь ойида томорқасига иссиқхона қуриш учун кредит олмоқчи бўлиб, ММдан бу масалада маслаҳат сўраганида, у давлат томонидан иссиқхона ва чувалчанг боқиш учун имтиёзли кредит ажратилаётганини айтиб, кредит олиш тартибини тушунтиргани, ўзи ва турмуш ўртоғи Д. ██████████ номига электрон рақамли имзо олиш учун Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига бориб, тўловларни амалга ошириб, марказ ходими электрон калитни бириктириш учун телефон рақам сўраганида, МА ва ММлар уни ва турмуш ўртоғини номига кредит олиш учун керакли ҳужжатларни ўзлари расмийлаштириб беришни айтишгани учун МА ██████████ телефон рақамини бергани ва электрон калит уни телефон рақамига бириктирилгани, ММ кредит олиш учун узум токи ёнида расмга тушиб беришни сўргани учун Шамсиддин исмли танишининг боғида ўзи ва турмуш ўртоғи расмга тушиб беришгани, кейин МА ██████████ гапи бўйича турмуш ўртоғи билан “Халқ банки” Олтиариқ филиалига боришгани, банк ходими уларга кредит олишаётганини тушунтиргани ва ҳужжатларга имзо қўйдириб олгани, орадан анча вақт ўтиб уни ва турмуш ўртоғини прокуратурага чақиришганида, уларни номига 32.999.700 сўмдан кредит чиққанини билгани ҳақида;

жабрланувчи ИО судда, синфдоши МА 2022 йил июнь ойида уни номига имтиёзли кредит олишни, ўзини боғида узум токи қилиб, номига олинган кредит маблағини ўзи тўлаб юришини, муаммо бўлмаслигини, узум тоқларини етиштириб берса, даромаддан 20 фоизини унга беришни айтганида, таклифига рози бўлиб, у билан Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига бориб, электрон рақамли имзо учун калит олиб бергани, бунинг учун тўловларни МАни ўзи амалга оширгани, сўнг МА билан “Халқ банки” Олтиариқ филиалига борганида, банк ходими уни номига 32.999.700 сўм кредит ажратилаётганини айтиб, ҳужжатларга имзо қўйдириб, бу ҳолатни расмга олгани, шундан сўнг бу



кредит кредит чиққан ёки чиқмаганидан хабари бўлмагани ҳақида;

жабрланувчи ХҚ судда, банкдан кредит олиб, тадбиркорлик қилмоқчи бўлганида, холасини ўғли МА “Халқ банки” Олтиариқ филиалидан кам фоизли кредит олишаётгани, у ҳам кредит олиши мумкинлигини айтгани, узум боғда чувалчанг боқиб, деҳқончилик қилиши мумкинлиги, уларга 20 сотих ер ажратиб беришини айтгани, ўзи ва укаси А. [REDACTED] электрон рақамли имзо олиш учун Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига бориб, электрон калитни олиб, МА кредит олиш учун ҳужжатларни тўғрилаб беришни айтгани учун электрон калитни паролени унга беришгани, орадан 3-4 кун ўтгач ўзи ва укаси А. [REDACTED] ҳоласини ўғли МА билан бирга “Халқ банки” Олтиариқ филиалига боришиб, кредит билан боғлиқ ҳужжатларга имзо қўйиб беришгани, кейинчалик дастлабки тергов даврида унинг номига 32.990.700 сўм кредит ажратилганини билгани ҳақида;

жабрланувчи А. [REDACTED] судда, жабрланувчи ХҚнинг кўрсатувини тасдиқлаб, шу мазмунда берган кўрсатуви;

жабрланувчи РР судда, 2022 йил июнь ойида синфдоши ЖМ кўнғирок қилиб, дадаси Г. [REDACTED] банкдан фоизсиз кредит олаётгани, бунинг учун узум боғига ҳужжат асосида ишчи қабул қилишаётгани, уни ҳам ишга қабул қилиш бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг унга меҳнат стажи кетишини, кейинчалик бола пули олишга ёрдам бўлишини айтгани учун таклифига рози бўлгани, шу куни ЖМ ва укаси МА билан келиб, ўзи ва яна бир синфдоши ХНни боғга ишга киришга ҳужжатларни тайёрлаш учун деб Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига олиб боргани, марказ ходими унга қўлини бир мосламага қўйишни айтгани учун қўлини шу жойга қўйгани, МА укаси билан уларни паспортларини олиб қолиб, уйига ташлаб қўйишгани ҳақида;

жабрланувчи ХНнинг судда, жабрланувчи РРнинг кўрсатувини тасдиқлаб, шу мазмунда берган кўрсатуви;

жабрланувчи А. [REDACTED] судда, судланувчилар МА ва ЖМ холасини ўғли бўлиши, уларни отаси Г. [REDACTED] “Ғуломжон файзли узум боғи” боғдорчилик хўжалигида сувчи вазифасида ишлаши, унинг илтимосига рози бўлиб 2022 йилнинг июнь ойида МА билан Олтиариқ тумани давлат хизматлари марказига бориб, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш учун электрон рақамли имзо олиб, электрон калит паролени бериб, у билан “Халқ банки” Олтиариқ филиалига бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйиб бергани ҳақида;

жабрланувчи АН судда, судланувчи МА билан шерикчилик асосида Олтиариқ туманида жойлашган “[REDACTED]” боғдорчилик хўжалигини ташкил қилишгани, унинг улуши 0,50 гектар ер майдони экани, 2022 йилнинг июнь ойида шу ер участкасида узум боғи ташкил қилмоқчи бўлиб, ҳоким ёрдамчиси ММдан фуқароларга боғдорчилик йўналишида кам фоизли кредит ажратилгани ҳақида эшитиб, унга узум боғ ташкил қилиш учун кредит олишда ёрдам беришни сўраганида, кредит олишига ёрдамлашиб, керакли ҳужжатларни тайёрлаб бериши, ҳужжатлар тайёр бўлгач ҳужжатларни имзолаб беришини айтганида, уни таклифига рози бўлгани, ММ ер майдонига келиб,



узум боғ ташкил қилмоқчи бўлган жойларни кўриб, уни боғ ўрнида ўзига тегишли телефонида расмга олгани, бу вақтда МА ҳам фуқароларга боғдорчилик учун имтиёзли кредит ажратилаётганини эшитиб, у ҳам боғ учун ажратилган ер майдонининг қолган қисмида узум боғи ташкил қилиш мақсадида кредит олиш учун керакли хужжатларни тайёрлаб юргани, шу ойнинг ўзида МА келиб, Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига бориб, у ердан электрон имзо учун калит олиб келишни айтганида, у билан биргаликда Давлат хизматлари марказига бориб, у ердаги ходимлардан бирига учрашиб, унга имтиёзли кредит масаласида келганлигини айтиб, ўнг қўл бош бармоғини махсус аппаратга қўйиб, имзо намунани қолдириб келгани, электрон имзо олиш учун тўловни МА амалга оширгани, шундан сўнг у кредит олиш билан боғлиқ бирор-бир жойга бормагани ва бирор-бир хужжатларга имзо қўймагани, Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказидан олинган электрон имзо учун калит олиш, АТ “Халқ банки” Олтиариқ филиали билан кредит маблағларини ажратиш ҳақидаги шартномалар тузилгани ҳақида кўрсатувлар беришган.

Апелляция инстанция суди юқоридаги Қонун ва Пленум Қарори тушунтиришидан келиб чиқиб иш хужжатларини урганиб жабрланувчи ХН, РР, ИО, АҚ, АН, ХҚ, МУ, ДМ, АИ, НАИ ва АРларни судланувчилар томонидан ҳар бирини алоҳида Олтиариқ тумани Давлат хизматлари марказига олиб боришиб электрон имзо учун калит олишгани, ўнг қўл бош бармоғини махсус аппаратга қўйиб, имзо намунани қолдиришгани, АТ “Халқ банки” Олтиариқ филиали томонидан уларнинг ҳар бирига 32.990.910 сўм кредит маблағларини ажратиш ҳақида 2022 йил 14-18 июнь кунлари кредит ажратиш ҳақида шартномалар тузилгани, кредит маблағлари банк томонидан бевосита жабрланувчилар номига ажратилганлигинини кредит маблағлари таъминотчи “Chinor dala do‘koni” хусусий корхонасининг ҳисоб-рақамига турли вақтларда келиб тушгани, судланувчиларнинг қасди жиноий ниятлари ҳар бир жабрланувчига турли вақтларда содир этилгани, шунингдек, дастлабки тергов органи томонидан ХН, РР, ИО, АҚ, АН, ХҚ, МУ, ДМ, АИ, НАИ ва АРлар жабрланувчи деб эътироф этилиб судланган ММ, МА, ЖМ ва ОЮлар қасди АТ “Халқ банки” Олтиариқ филиали пул маблағларига эмас балки ҳар бир жабрланувчиларнинг ҳисобига тушган 32.990.910 сўм кредит маблағларини олишга қаратилган жиноий ҳаракатларини такроран содир этилганлигини инобатга олиб биринчи инстанция суди томонидан уларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан квалификация қилиб тўғри хулосага келган деб баҳолаб протестни ушбу қисмини рад қилишни лозим топди.

Бундан ташқари, апелляция инстанция суди, протестдаги суд ҳукмида судланган ММ, МА, ЖМ ва ОЮлар томонидан ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир этилган қилмишларини жазони оғрилаштирувчи ҳолат сифатида топмагани ҳақидаги важлари билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-бўлими (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)да, ғаразғўйлик ниятлари деганда, содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан



кутилишга интилишда ифодаланган ният тушунилиши;

Қонун мазмунида, бошқа паст ниятларда деганда, хасад, ўч, безорилик ҳаракатлари, кўрқоқлик, амалпарастлик, ошна-оғайнигарчилик, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш, ишдаги камчиликларни яшириш ва бошқалар тушунилиши, шунингдек, мазкур ниятлар мотиви жиноят содир этилгунига қадар пайдо бўлган бўлсагина жазони оғрилаштирувчи ҳолат сифатида топилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар доираси (ЖК 56-моддаси) қатъий белгиланган бўлиб, у суд томонидан кенгайтирилиши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш хужжатларига кўра, судланганлар ММ, МА, ЖМ ва ОЮлар томонидан жабрланувчи ХН, РР, ИО, АҚ, АН, ХҚ, МУ, ДМ, АИ, НАИ ва АРларга АТ “Халк банки” Олтиариқ филиали томонидан уларнинг ҳар бирига 32.990.910 сўм кредит маблағлари “Chinor dala do‘koni” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига тушгани ва жиноятдан моддий ёки бошқача мулкӣ йўсиндаги фойда олишмаган, пулларни эҳтиёжлари учун сарфлашмаган.

Шу сабабли, апелляция инстанция суди, биринчи инстанция суди судланганлар ММ, МА, ЖМ ва ОЮларни ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир этилган деб жазони оғрилаштирувчи ҳолат сифатида инobatга олмасдан тўғри хулосага келган деб ҳисоблаб протестнинг ушбу қисмини рад қилишни лозим топди.

Шунингдек, апелляция инстанция суди протестдаги судланган ОЮга нисбатан энгил жазо тайинлангани ҳақидаги важларини биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмидаги етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги иш бўйича моддий зарар йўқлиги жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини ҳақидаги талабларидан келиб чиқиб ОЮнинг илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, жазони ўташ даврида қасддан янгитдан жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 60-моддаси тартибида модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб асосли хулосага келганини инobatга олиб протестни ушбу қисмини рад қилишни лозим топди.

Апелляция инстанция суди протестдаги биринчи инстанция суди томонидан судланган ММга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони қўлланмагани ҳақидаги важи асосли эканлигини инobatга олишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-бандида, жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бирок, биринчи инстанция суди судланган ММга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони қўлланмасдан хатога йўл қўйган.

Иш ҳужжатларига кўра, ММ Олтиариқ тумани “Кўрғонча” МФЙда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб, бевосита эгаллаган лавозими билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди ММга асосий жазога қўшимча Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб протестнинг ушбу қисмини қаноатлантиришни лозим топди.

Апелляция инстанция суди суд ҳукмининг ММга оид қисмини бекор қилиб, МА, ЖМ ва ОЮга оид қисмини эса ўзгаришсиз қолдириб, прокурор протестини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³, 497¹⁹, 497²¹, 497²³, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ММ, ОЮ, МА ва ЖМга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2023 йил 25 мартдаги ҳукмининг ММга оид қисми бекор қилинсин.

ММ Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

ММга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан 45-моддаси қўлланилиб, 2 йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 3-қисми тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 йил давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий



жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Олтиариқ туман ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

ММга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз, прокурор протести қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ш.Ахмедов

Ҳайъат судьялари

/имзо/

Н.Раимкулов

/имзо/

Б.Мамажонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси

Б.Мамажонов

